ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

337 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк хисобварақлари тўгрисидаги йўрикномага ўзгартиришлар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-4

(2010 йил 2 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7, 17 ва 51-моддаларига мувофик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор килали:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори (руйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари турисида»ги йуриқномага иловага мувофиқ узгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2010 йил 24 июль, 25/3-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 24 июлдаги 25/3-сонли қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўгрисидаги йўрикномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мижозлар томонидан банк хисобварақлари очилаётганда, банк хисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати буйича банк омонати шартномаси) тузилади.

Банк хисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати буйича банк омонати шартномаси) буйича юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади».

- 2. 11-банднинг сўнгги жумласи чиқариб ташлансин.
- 3. 25-банднинг в) кичик банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 4. 30-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 5. 50-банддаги «божхона» деган сўз «божхона (чет эл валютасида хисобварақ очилган бўлса)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.